



Кутайба, Бухоро вилоятидан Рамитон кавми билан сулх килганидан сўнг у ердан Балх шаҳри йўлига йўл олди. Фарёбга етиб борди. Ўша пайтда Хажжождан мактуб келди. Мактубда шундай амр бор эдики:

— Бухорода бўлган ва Бухоро малики бўлган Сардан Жизотнинг устига юр, у билан жанг кил.

Кутайба бу амрни олгач, шундай килди. 89-йилда Сугд аскарлари ва Кеш ва Нахшаб кавми билан бир даштда тўқнашиб, жанг килди. Улар устида галаба қозонди. Ўша ердан йўлга чиқиб, Бухорога келди. Лекин у ерда ҳеч қандай зафар қўлга кирита олмади. У ердан орқага қайтди. Марв шаҳрига келди ва ўша йил ичида Валидад ибн Абдулмалик Холид ибн Абдуллохни Маккада амир килди. Ва ўша йили Маслама ибн Абдулмалик Озарбайжон томонда туркларга қарши газога борди. Дарбандгача борди. Кўп қасрлар ва шаҳарларни қўлга киритди. Ва юкорида зикр этганимиздек, Хажжождан Кутайбага бир амрнома келган эдики, у Бухоро малики Сардан Жизотни қамраб олсин, дерди. У ҳам ўша йил у ерга бориб, у билан жанг килди. Лекин бирор галаба қўлга кирита олмади. Шундан кейин хижрий 90-йил кирди. Кутайба яна Бухоро устига юрди. Серден Жизот бу хабарни эшитгач, ўзининг шаҳар ва вилоятларига мактуб юборди, ёрдам сўради. Хар томондан унга ёрдам қўшинлари кела бошлади. Уларнинг мақсади унга ёрдам бериш эди. Лекин уларнинг аскарлари йигилиб улгурмасдан, Кутайба Бухорога етиб келди. Серден Жизотни муҳосара килди. Вакти келиб, турк аскарлари Серден Жизотга ёрдамга келишди. Қалъадан ташқари чиқишди. Саф тузиб, араблар билан жангга қиришишди. Мусулмонлар Кутайбага:

— Бизга рухсат бер, шунда биз улар билан жанг қилайлик, дейишди.

Кутайба ҳам рухсат берди. Араблар ҳам олдинга юриб, турклар билан бир соат жанг

килдилар. Турклар голиб чикиб, зафар кўлга киритишди. Араб аскарларини Кутайбанинг устига ташлашди ва Кутайбанинг синдирилишига оз колган эди. Шундай бўлдики, араб аёллари фарёд килдилар, юзларини тирнадилар. Нихоят мусулмон кўшини гайрат кўрсатиб, кочаётганида кайта хужум килди. Ва туркларни оркага суриб, яна ўз ўринларига кайтаришди. Кутайба, аскарлари ичида бакириб:

— Гайрат килинг! Балки бу туркларни жойларидан сугуриб ташлармиз! деди. Араб кабилаларининг хаммаси у ерда хозир эди, ҳеч бири жавоб бермади.

Шундан кейин Кутайба, Темим кабиласига келди, уларни ҳам худди шу тарзда жангга чакирди. Темим кабиласидан Вакил ибн Абу Асвад, Кутайбанинг хузурига келди. Бу ишда гайрат кўрсатди. Ва Хусайн ибн Абу Толха ал-Мажаший Темим кабиласига кўмондон эди. Вакил байрокни унга топширди ва:

— Кўшинингни ол, туркларга карши чик! деди. У шимолга юрди. Турклар билан араблар орасида бир дарё бор эди. Хусайн кўшини билан ўша дарёгача борди, у ерда тўхтади. Вакил:

— Эй Хусайн! Кўшинингни у ёкка ўтказ, деди.

Хусайн: — Дарёнинг у томонига ўтиш жуда нотўғри ҳаракатдир. Кўшин ҳалок бўлади. Мен ўта олмайман, деди. Вакил эса унга:

— Валлохи, сен аҳмок одамсан ва менга карши ҳаракат киласан, деб уни сўқди ва кўлидаги калтак билан унга урди. Хусайн ҳам отини чўчитиб, дарёнинг у томонига ўтди. Унинг кўшини ҳам сувни кесиб ўтишди. Вакил ҳам дарё устига келди. Дархол дарахтлар келтириб, бир кўприк курди. Ва:

— Кимки яраланган бўлса ва ўлиш арафасида бўлса, шу кўприкдан ўтсин. Акс ҳолда тўхтасин. Жанг килсин, деди. Ўша пайтда 70 киши пиёда ҳолда ўша кўприкдан ўтиб кетишди.

Вакил, Хусайнга:

— Мен бу пиёдалар билан бир томондан юрай. Сен ҳам отлилар билан бошқа томондан юр. Уларга хужум килайлик, деди.

Шу тарика Вакил ўша пиёдалар билан турклар устига хужум килди. Уларга етганлар билан аралашди. Хусайн ҳам бошқа томондан хужум килди. Жуда катта жанг бўлди. Мусулмон кўшинлари туркларни турган жойидан оркага суриб ташлашди ва кўприкдан яна бу тарафга ўтиш учун кайтишди. Кутайба уларга бакириб:

— Эй мусулмонлар, каерга кайтмоқдасизлар?! Душманнинг пароканда бўлганини кўрмаяпсизларми? Бир соатгина сабр килинг! деди.

Сўнг шундай амр берди:

— Кимки турклардан бир бош олиб келса, унга юз дирхам акча бераман.

Шу тарика араблар туркларнинг бошини олиб келиш учун уларнинг бошини кесиб келиб, 100 дирхам акча олдилар. Туркларни пароканда килиб юборишди. Хисобсиз ўлдиришди ва бе ҳисоб мол ва ганимат олиб, яна кайтишди. Марвга келишди.

Ва шу 90-йилда Кутайба, Турк малики Тархун билан сулҳ килди. Бу сулҳ шундан бўлдики, Бухоро туркларининг бошига келган аҳволни кўриб, ундан кўркишди...

Мухаммад ибн Сулайм ўша вақтда:

— Ё Абу Хаййаж! деди. Мен сага насихат бергай. Сенинг кабиланг жуда кийналдилар. Агар иш чўзилса, кўркаманки, улар сени бериб кўядилар. Тиллари ишончга етади! деди. Энди сен тур, мен билан Кутайбанинг хузурига бор — ишларинг осон бўлсин! деди.

Найзак:

— У менга амон бермагунча мен унга бормаيمان! деди. Мухаммад ибн Сулайм:

– У менинг ишончли эканимга суяниб юборган. Энди сен эса мени айбламокдасан, деди. Найзакнинг яранлари:

– Ибн Сулаймнинг сўзини тингла, чунки у тўғри гапирди. Ва менга маслахат килмоқда, дедилар.

Шундан кейин Найзак от сўради. Ўзининг кўп одамларини ҳам ўзи билан олди. Ва калъадан тушиб чикди. Ибн Сулайм билан Найзак ўша дарадан чикишди.

Лекин Ибн Сулайм ўзини химоя қилишлари учун дара огзида қолдирган отлилар, Найзак билан кетмокчи бўлган туркларни юборишни ишташмади. Улар қайтдилар.

Найзак:

– Бу илк ёмонлик, деди. Ибн Сулайм:

– Сен “шарр” деб атайдиган нарсга эҳтимол бундай эмасдир. Ва эҳтимол, уларнинг қайтарилиши сен учун яхшидир, деди.

Кутайбанинг кўрикчиларига яқинлашган пайтда:

– Найзакни бир қодирга олиб қиринглар, деб амр қилди. Уни бир қодирга олиб боришди. Қодир атрофига хандок қазилди ва тўрт тарафидан кўрикчилар қўйилди. Сўнгра Найзакка:

– Мол-мулкнинг ва яқин қишларинг ва ҳам қелтир, дейишди. У ҳаммасига буюрди ва уларни қелтиришди. Кутайба амр қилди. Уларга занжир солишди.

Кутайба шундан кейин Хажжожга мактуб ёзди. Бу хабарни етказди. 20 кундан кейин Хажжождан жавоб қелди, унинг амри шундай эди:

– Найзакка қурбат берма. Ўлди. Чунки у мусулмонларнинг душманидир. Ва неча бор мусулмон бўлиб, сўнг муртад бўлган.

Бу амр устига Кутайба Найзакни қарқиди. Унга:

– Яқинда мен сенга ҳеч амон берганимми? деди. У эса:

– Йўқ, аммо сенинг номингдан Сулайм ўғли Муҳаммад берган, деди. Кутайба:

– Эй Аллохнинг душмани, сен ёлгон гапиряпсан! деб қарқиди. Ва Найзакни зиндонга ташлашни амр қилди. Кутайба сўнгра 3 кун уйдан қилмади. Ва ҳеч қимга қўринмади. Тўртинчи куни дивонга қилди. Ва халқ атрофига тўпланди. Уларга:

– Найзакни ўлдириш ҳақида нима дейсизлар? деди. Баъзилар:

– Амон берган экансиз, ўлдириш мумкин эмас! дейишди. Ўша пайт Дирор ибн Нуъсайн ичкарига қилди. Кутайба унга:

– Сен нима дейсан? деб сўради. У эса:

– Мен шуни айтаман, деди. Мен сенидан шундай сўз эшитганман: “Мен Аллох таолога ниёт қилганманки, агар Найзак қўлимга тушса, унга қурбат бермай ўлдираман, деганман. Агар бу сафар ҳам ўлдирмасанг, Аллох таоло бу дуо устида менга ёрдам қилмас”.

Кутайба бу сўзларни эшитгач:

– Валлохий, агар менинг умримдан қарат ўчга айтишга улғуришича вақт қолса, мен шундай дер эдим: “Ўлдиришлар уни! Ўлдиришлар уни! Ўлдиришлар уни!” деди.

Шунда Найзакни Кутайбанинг икки ақаси ўғиллари ва у билан зиндонда бўлганлар ўлдиришди. Уларнинг сони 700 киши эди. Ва амр қилинди. Улар бошлари қесилди.

Хажжожга юборилди.

Кейин, Кутайба яна Марвга қелди. Қирқан қарқоҳи Қурхон қочган эди. Чунки у Найзак билан иттиқоқда эди. Кутайбага одам юборди. Амон сўради. Кутайба унга амон берди.

Аммо Кутайба бундай шартлар қўйди:

1– Қурхон ўзи Кутайбанинг қузурига қелади.

2– Унинг яқин одамлари ҳам қелади, Кутайбанинг қузурида бўладилар.

Хурхон эса Кутайбадан, ўзини кайтгунича ўз хузурида бўлиб туриш учун одамларини гаров сифатида колдиришни сўради. Кутайба бу шартга кўра Хабиб ибн Абдуллох ибн Амр ал-Бахилийни юборди. Хурхон эса ўз ахлидан бир кишини юбориб, келган Хабибни ўзининг калъаларидан бирида қўйди. Ўзи эса туриб Кутайбанинг хузурига борди. Ва сулх килиб кайтди. Талкон шахрига келганида Керкан ахли унга захар ичиришди. Ўлдиришди. Хабибнинг ҳам бошини кесишди. Кутайба эса жавобан ўз хузурида бўлган унинг якинларини ўлдирди.

Качонки хижрий 91-йил бўлди, Кутайба Шумон, Кеш ва Нахшаб газотига чикди. Сабаби шундай эдики, Шумон подшохи Гилшод Кутайбанинг хараж йигувчи одамини ўз худудидан хайдаб юборган эди. У хараж эса хар йили берилар эди. У эса бермади. Кутайба шу йили Авнийни Хуросондан бир тўда одам билан Гилшоднинг хузурига юборди. Улар ўша харажни талаб килардилар. Ва нималар дейишини эшитишарди, кўришарди.

Качонки улар шаҳар дарвозасига етиб келишди. Шаҳар ахлидан бир зот чикиб, уларни шаҳарга киритмади. Такик килди. Аёш:

– Уларнинг ўзлари билан жанг киламан! деди. Отни илгарилатди. Улар билан жангга кирди. Хаммасини пароканда килди. Мухаллиб деган киши яширинча Аёшнинг оркасидан келди. Уни ўлдирди.

Ривоят килишадики, Аёшнинг баданидан 60 та жароҳат топилган эди. Ўша кабила:

– Бундай мард йигитга зиён етди, деб кайгуришди.

Бу хабарни Кутайба эшитгач, газаб килди. Дархол у ердан кўчди. Шумон шахрига юриш килди. Шумон подшохи калъа ичида эди. Кутайба амр берди. Манжаник ўрнатилди.

Калъа тошборан килинди. Катта жанг бўлди. Шумон подшохи калъа ичида тинчимаганини кўриб, бутун молу дунёсини, жавохирларини ер остига кўмди ва эшикларни очиб чикди. Бир муддат жанг килди. Охирида ўлдирилди. Кутайба ўша калъани килич билан эгаллади. Шаҳарда жуда кўп ганимат топилди. У ердан чикиб, Кеш ва Нахшабга етиб келди. Улар ҳам фатх килинди. Ўзининг акаси Сигд подшохи Абдуррахмон Таргун билан маълум мол эвазига сулх килди. Кейин кайтиб, Бухорода Кутайбанинг хузурига келди. У ердан ҳам яна Марвга келишди. Энг охирида, сигд ахли йигилишди. Таргуннинг хузурига келишди:

– Сен бу хор ва зиллат ичидаги хаётга розимисан? Энди сен карибсан, кўлингдан иш келмайди. Бундан кейин сен бизга муносиб эмасан! дедилар.

Таргун ҳам:

– “Сиз бир кишини танланг”, деди. Ўша халк эса Гурек исмли бир бизни подшоҳ килиб танлашди. Ва Таргунни подшоҳликдан туширишди. Таргун:

– “Энг охири менинг хукмронлигим кўлимдан кетар экан, ҳеч бўлмаса хукмронлигим кўлимда турган пайтда ўлай”, деб, киличнинг дастасини ерга қўйди. Киличнинг учини кўкрагига таяниб, унинг устига ўзини ташлади. Килич кўкрагидан кириб оркасидан чикди. Ўша пайтда жонини топширди.

Яна шу йили Валид ибн Абдулмалик Макка валилигини Холид ибн Абдуллохга берди. Холид Валид вафот этгунича ўша ерда вали бўлиб колди.

Яна шу йили Валид ибн Абдулмалик Хажга борди. Мадинага етгач, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)нинг масжидида курилайётган бинолар кай ҳолатда эканини кўришни истади. Халк ўша пайт масжиддан ташкарига чикишди. Уни кутиб олишди. Хазрати Саид ибн Мусаййаб, ки факихларнинг буюк зоти эди, масжиддан ҳеч чикмас эди. Факат хожат учун чикар эди. Унга бир неча марта:

– Амирул мўъминин келди. Салом беринг! дейишди. У эса:  
– Валлохий, мен унинг хузурига бормаيمان! деди. Аммо унга бир огиз ҳам сўз айтмади. Качонки Валид масжидга кириб, хар тарафда юриб айланар экан, кибла томонга караса, у ерда Хазрати Саидни кўрди.  
– Бу киши ким? деб сўради. Умар ибн Абдулазиз:  
– “Бу хазрати Саид ибн Мусаййабдир. Жуда қариб колган. Ва кўзлари хам ожиз бўлган. Агар амирул мўъминин келганини билса эди, келиб салом берган бўларди”, деди. Ва уни бироз мактади. Халифа Валид:  
– Демак, биз уни танидик ва унга якинлашдик. Бориб, ўзимиз салом берайлик! деди. Хазрати Саид ибн Мусаййабнинг хузурига келди ва:  
– Кандайсан, ахволинг яхши эканми, эй шайх? деб сўради. Хазрати Саид ҳеч ҳаракат қилмасдан:  
– “Аллохга ҳамд бўлсин, яхшиман”, деб жавоб берди. Валид орқага қайтди. Умар ибн Абдулазизга:  
– “Одамлардан факат шу колган экан”, деди. Мадина ахлига кўп мол таркатди. Жума куни Пайгамбарнинг минбарига чикди, хутба ўқиди. Хутбадан сўнг минбардан тушди. Мусулмонлар билан бирга намоз ўқиди. Качонки хижрий 92-йил кирди. Маслама ибн Абдулмалик ва Умар ибн Валид Бизансга бориб газо қилдилар. Кофирлардан 3 калъа олдилар. Яна шу йилда Торик ибн Зиёд 12.000 киши билан Андалус газотига борди. Бу Андалус подшоҳини Зайнук дер эдилар. У Исфахон подшоҳлари авлодидан эди. Шахардан ташқари чикди. Бир тахт қуришди. Ўша тахтга ўтирди. Икки тараф жанг қилди, мусулмонлар зафар топишди. Зайнукни ўлдиришди. Андалусда ҳисобсиз ғанимат қўлга қиритилди. Хижрий 93-йил киргач, Аббос ибн Валид Рум заминида Саматияни фатх қилди. Маслама ибн Абдулмалик Малатия атрофида Хисн ал-Ҳадид, Газзала ва Бархамани фатх қилди. Кутайба ҳам хижрий 93-йил ичида Хоразм подшоҳи билан сулх қилди.

"Тарихи Табарий" китобидан

Профессор Абу Муслим таржимаси